



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 15 ” aprel

Қ-295 -son

Termiz sh.

**Ангор тумани “Шарқ гули” маҳалласи
худудидан “Ангор ёшлар саноат ва
тадбиркорлик зонаси”ни ташкил этиш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, Экспорт ва инвестицияларни риовжлантириш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг 2021 йил 20 февралдаги 24-24/1-34-сон баёни билан тасдиқланган “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”ни ташкил этишнинг вақтинчалик тартибига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 апрелдаги 02-03/292-сон йиғилиш баёни, Ангор тумани ҳокимининг 2021 йил 05 мартдаги 46/01-19-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ангор тумани “Шарқ гули” маҳалласи худудидаги туман ҳокимлиги захира ер фондидан 1,4 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Ангор ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси”ни ташкил этиш учун ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ташкил этилаётган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов